

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**Р Е Ф Е Р А Т**

Топширди:

7-КТООТ-15 гуруҳ  
талабаси У.Султонов

Қабул қилди:

асс. Н.Баннаев

НАМАНГАН – 2016

# Хўжалик жамиятларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши тартиби

## Режа

1. Хўжалик жамиятларининг вужудга келиши
2. Хўжалик жамиятларининг бекор бўлиши тартиби
3. Хулоса

Республикамизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари янада такомиллашаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айниқса, халқ хўжалигининг асосий бўғинларидан бири бўлган акциядорлик жамиятларининг мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун қонуний асослар яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир. Натижада бу турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимизда тутган ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш фуқароларнинг, шунингдек бошқа ҳуқуқ субъектларининг турли тижорат ташкилотларини ташкил этишга бўлган имкониятларини ғоят кенгайтириб юборди.

Тижорат ташкилотлари қўйидаги усулларда вужудга келиши мумкин:

Буйруқ (фармойиш) орқали. Одатда бундай усул билан давлат ташкилотлари ҳисобланган унитар корхоналар ташкил этилади.

Қолган икки усулда эса тижорат ташкилотлари муассисчи ёки таъсисчи бўлиб, мулкдорлар ёки улар вакил қилган қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса бошқа ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобланади.

Мурожаат қилиш усули. Бунда муассислар томонидан тузиладиган тижорат ташкилотларининг вужудга келиш имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлигини текширади.

Рухсат олиш усули. Бундай усулда ташкил топадиган тижорат ташкилотларининг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, уларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади ҳолос. Тижорат ташкилоти таъсис шартномаси иштирокчилар томонидан тузилади, устави эса тасдиқланади. Тижорат ташкилотлари юридик шахс сифатида мурожаат қилиш ва рухсат олиш усуллари орқали ташкил топганда, албатта, уни

ташкил қилувчилар ташаббускор гуруҳ бўлади. Бу гуруҳ фуқаролар (жисмоний шахслар)дан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Улар муассисчилар ёки таъсисчилар деб аталади. Таъсисчилар орасида давлат ҳамда унинг органлари бўлиши мумкин. Муассисчилар кўп ҳолларда юридик шахснинг мол-мулкани вужудга келтиришга ўз улушини кўшади. Бу улушлар асосида кўп ҳолларда устав фонди ташкил топади. Юридик шахсларнинг тижорат турлари ўз фаолиятида кўзланган мақсад бўйича тижорат бўлмаган турларидан фарқ қилади. Юридик шахсларнинг тижорат турлари муассисчиларнинг фойда олиш мақсадини кўзлаб тузилади. Нотижорат турларида муассислар фойда олиш мақсадини кўзламайдилар. Юридик шахс бекор бўлганида уларнинг тижорат турларида юридик шахс ҳамма кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин мол-мулки муассислар ўртасида тақсимлаб олинади. Нотижорат ҳарактердаги юридик шахсларда эса қолган мол-мулкка нисбатан муассислар ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтиш маълумотлари, шунингдек, ўзига хос номи республика реестрига киритилади. Юридик шахсларни ташкил этишда қонунда белгиланган тартиб бузилганида ёки уларнинг таъсис ҳужжатлари қонунларга зид бўлган ҳолларда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

Хўжалик жамиятларини расмийлаштирувчи ҳужжатлардан бири таъсис шартномалари ҳисобланади. Таъсис шартномаси юридик шахс муассислари олдига ўзларининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш, юридик шахс ташкил этиш бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш вазифасини қуяди.

Юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари деганда, маълум турдаги жамиятлар тўғрисидаги умумий қоида эмас, балки таъсис шартномаси тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасида таъкидланганидек, юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда хўжалик жамияти бўлмаган юридик шахслар ҳам шу турдаги жамиятлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши лозим. Хўжалик жамиятларининг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса тасдиқланади. Фуқаролик кодексига мувофиқ, бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Таъсис шартномасида тарафлар, яъни муассислар юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби

белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса, давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартиришлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартиришларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартиришлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишлари мумкин эмас.

Хўжалик жамиятининг таъсис шартномасида:

- таъсис этилаётган юридик шахснинг тури, уларнинг фаолият соҳаси, мақсадлари ва фаолият кўрсатиш муддати;
- муассисларнинг таркиби;
- таъсис этилаётган юридик шахснинг номи ва манзили;
- устав фондининг миқдори ва уни шакллантириш тартиби, муддати;
- даромадларни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;
- қонунларга зид келмайдиган бошқа шартлар тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

Юридик шахсларни ташкил қилиш тўғрисидаги барча иштирокчилар томонидан тузиладиган таъсис шартномаси кўп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади. Таъсис шартномаси муассислар учун ҳам, унинг асосида ташкил қилинган юридик шахслар учун ҳам мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликка биноан тадбиркорлик фаолиятининг субъектларидан бири бўлган хўжалик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнггина юридик шахс мақомига эга бўладилар. Бундай шахсларнинг ташкил топиши учун ягона давлат рўйхатининг белгиланиши бозор муносабатларининг кенг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга. Давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг белгиланиши тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолият турларидан (хўжалик юритишнинг қайси соҳасига тегишли бўлишидан) қатъи назар, тенг қоида қўллаш бу соҳада зарур қонуний тартибот ўрнатиш имконини беради. Мамлакатимизда хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш Фуқаролик кодекси, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги қонун, "Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига мувофиқ, юридик шахс қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Ушбу қоида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг рўйхатдан ўтказиш ёки асослари кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ариза олинган кундан бошлаб 7 иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда "бир йўла" тамойили асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовнинг 2002 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек, муҳим хусусиятлардан бири - бу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашганлиги, кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланганлиги ва такомиллашганлиги, кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг содалаштирилган тартиблари жорий этилганлигидир.

Давлат рўйхатидан ўтказиш давлат органининг юридик кучга эга бўлган ҳужжати сифатида корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат рўйхатидан ўтказишда куйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

биринчидан, тадбиркорлик тизимини ноинсоф рақобатдан, шериклардан, бошқарув тизимини суиистеъмол қилишдан давлат ҳимоясини таъминлаш;

иккинчидан, ғайриқонуний мол-мулк йиғиш мақсадида жамият тузишга киришаётган муассисларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан акциядорларни сақлаш ва бюджетга солиқлар келиб тушиши, бошқа

---

<sup>1</sup> Ж.Йўлдошев. Акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2003. 6-сон. 38-б.

тўловларни тўлаш тартибини давлат рўйхатига олиш ёрдамида назорат қилиш.

Тадбиркорлик субъектларидан бўлган акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишда жамият қандай фаолият билан шуғулланиши (суғурта, аудиторлик, биржа), мулки таркибида хорижий инвестициянинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги эътиборга олинади.

Хўжалик жамиятларининг бошқа корхона ва ташкилотлар каби Ягона давлат реестри жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан юритилади. Хўжалик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни муассисларнинг ўзлари ёки шартнома асосида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказлари ёхуд бошқа консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи (ёки йиғим) ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли қарорига асосан тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда идорама-идора "югур-югур"ларнинг олдини олиш, қоғозбозликларни тугатиш ва тез рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари ташкил этилди. Уларнинг асосий функциялари такдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва экспертизадан ўтказиш, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни, давлат реестрини тайёрлаш, солиқ, статистика органларида, йўл жамғармасида, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида ҳисобга кўйишни ташкил этиш ҳамда муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органининг рухсатномасини олиш, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталари, санитария-эпидемиология назорати марказлари, ёнғин хавфсизлиги хизматларини хабардор қилишдан иборатдир. Кўриниб турибдики, янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини асосан шу органлар амалга оширади.

Хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар такдим этилади:

1. Ариза (шахсан келиб ёки почта орқали, 2 нусхада), унда рўйхатдан ўтказувчи орган номи, ариза берувчининг номи, жамиятнинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган номи, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, почта индекси, алоқа қилинадиган телефон рақами, тўлдирилган сана кўрсатилиши лозим;
2. Таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (қонунга асосан, устав ёки таъсис шартномаси таъсис ҳужжати ҳисобланади).

Давлат корхоналари негизида ташкил этилаётган хўжалик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди. Шу ўринда бир ҳолатга эътибор бериш лозим, у ҳам бўлса, агар янгидан тузилаётган акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжати камчилиги аниқланиб қайтарилса, уни бошқатдан нотариал тасдиқлаш лозим бўлади. Бу эса янги иш бошлаётган тадбиркор учун ортиқча "чиқим" дегани, чунки қайта нотариал тасдиқлаш учун бошқатдан давлат божи тўлаш талаб этилади. Ушбу ҳолатни бартараф этувчи янги механизм ишлаб чиқиш лозим бўлади;

3. Жамиятнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (давлат корхоналари негизида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

4. Давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (давлат корхоналари негизида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно). Давлат рўйхатидан ўтказилиши учун жамиятнинг давлат божи ёки йиғим тўлов ҳажми унинг фаолият мақсадлари, вазифалари (маҳаллий аҳолига ёки халқ хўжалигига оид маҳсулотлар ишлаб чиқариш), ишчилар сони ва бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиб, камайтирилиши мумкин;

5. Белгиланган тартибда шаҳар (туман)лар ҳокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

6. Хўжалик жамиятларининг муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Агар хўжалик жамиятлари бозор типига давлат рўйхатидан ўтказилаётган бўлса, уни ташкил этишга туман (шаҳар) ҳокимлигининг розилик қарори талаб қилинади. Устав фонди тўлиқ хориж инвестициялари асосида шаклланган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун хорижий муассис тўғрисида, жамият рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, бу мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикасидаги Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хати тақдим этилади. Давлат мулки негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари тасдиқланган Уставни нотариал тасдиқлатмасдан тақдим этишга ҳақли<sup>2</sup>.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг рўйхатдан ўтказиш ёки асослари кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ариза олинган кундан бошлаб 7 иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

---

<sup>2</sup> Ж.Йўлдошев. Акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2003. 6-сон. 40-б.

"Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, жамият тузишнинг қонунда белгиланган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатларининг қонунга мувофиқ келмаслиги давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади. Бундай сабаблар қаторига таъсис шартномасида ёки уставда амалдаги қонунчиликка зид ҳуқуқлар, мажбуриятлар ёки қоидалар белгиланганлиги, таъсис йиғилишини ўтказишда ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда амалдаги қонунчилик талабларини бажармаслик, жамият фаолият соҳаси сифатида қонунчилик йўл кўймайдиган соҳалар танлаб олиниши ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

ФКнинг 990-моддаси талабларига асосан, давлат органларининг ёки бу орган мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, шу жумладан давлат органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган актлари натижасида фуқарога ва юридик шахсга етказилган зарар улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суд қарори асосида қопланиши лозим. Бундан ташқари, зарар номоддий-маънавий кўринишда ҳам бўлиши мумкин.

Жамият муассислари ариза бергандан сўнг, рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан норозилиги, рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузиш ҳолатлари юзасидан судга (хўжалик судига) шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган бўлиб, унда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Акциядорлик жамиятлари қонуннинг 17-моддасига асосан, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан, узоғи билан олти ой мобайнида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи тўғрисида (тегишинча директор, бошқарув, дирекция, бошқарувчи ташкилот) низомларни тайёрлаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт.

ФКнинг 44-моддаси, 5-қисми ва қонуннинг 18-моддасига асосан жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини давлат рўйхатидан юқорида кўрсатилган тартибда ўтказилиши керак, Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш, акциядорларнинг умумий йиғилишида (иштирок этувчи овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади (қонуннинг 16-моддаси). Жамият уставига киритилган

Ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса, давлат рўйхатидан ўтказувчи органи хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради. Акциядорлик жамиятлари жамият таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқланган тақдирда, бир ҳафта ичида рўйхатдан ўтказувчи органига ариза, жамиятни бошқаришга ваколатли органнинг бу тўғридаги қарори, ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг муҳр билан тасдиқланган 2 нусхаси, номи ёки ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома (асл нусха), белгиланган микдорда йиғим тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати тақдим этади. Почта манзили ўзгарганда эса (унда рўйхатдан ўтиш йиғими ёки давлат божи ундирилмайди), 10 кун ичида рўйхатдан ўтказувчи, солиқ, статистика органлари ёзма хабардор қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 53-моддаси 2-қисмига асосан, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган микдорда шакллантирилмаган тақдирда акциядорлик жамияти суд қарорига мувофиқ тугатилади. Бу норма Фуқаролик кодексига кейинчалик киритилган. Дастлабки ислохотлар даврида кўр-кўрона хусусийлаштириш, микдор учун акциядорлик жамиятларини ташкил этиш жараёнида кўплаб жамоа хўжаликлари акциядорлик жамиятларига айлантирилган эди. Лекин улар амалда ҳеч қандай акция чиқармай "эски тос, эски ҳаммом" тарзида ўз фаолиятларини амалга ошириб келишди. Шунинг баргараф этиш учун ҳам бу норма Кодекста ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган бўлса ҳам, у қонуний тартибда тугатилади.

Кўришиб турибдики, тадбиркорлик субъектларини юридик шахсларни ва уларнинг бир тури бўлган акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларини соддалаштириш жараёни кетмоқда. Бу эса тадбиркорликнинг кенг қарор топишини тезлаштирувчи, уларнинг самарали фаолият юритишини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик жамиятларини рўйхатдан ўтказишни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги асос билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш фақат юридик шахсларни мурожаат этиш усули билан ташкил қилиш тартибида қўлланилади. Давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш устидан судга, хўжалик судига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Хўжалик жамиятлари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Юридик шахсни қайта тузиш бу ҳақдаги тегишли қарор билан амалга оширилади. Қарорда муассисларни шартномага қўшилиш ва

шартномадан чиқиш тартиби ва бошқалар кўрсатилади. Хўжалик жамиятлари юридик шахс сифатида қонунда белгиланган тартибда ҳокимликларда, адлия органларида ёки тегишли давлат муассасаларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказадилар. Республикамиз ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юридик шахслар кўпинча қайта ташкил этиш йўли билан бекор бўладилар. Қайта ташкил этиш йўли билан турли шаклларда, жумладан, Фуқаролик кодексининг 49-моддасида таъкидланишича, юридик шахсни қайта ташкил этиш: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс бирлашганида икки ёки бир неча жамият ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қилади ва ягона жамиятга бирлашади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади. Хўжалик жамиятларига нисбатан ҳам худди шу қоидалар амал қилади.

Юридик шахс бўлинганда ўз фаолиятини бекор қилади ва унинг негизида икки ёки бир неча юридик шахс пайдо бўлади ҳамда аввалгисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахснинг тижорат турларини қўшилишида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни қўшиб олаётган бошқа тижорат шаклидаги юридик шахсга ўтади ва қўшилган юридик шахс ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қилади. Ажралиш шаклида эса фаолият юритаётган юридик шахс таркибидан мустақил жамият ажралиб чиқади ва ўзхोлича юридик шахс ҳуқуқини олади.

Юридик шахс сифатида хўжалик жамиятларини тугатиш ва қайта тузилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ёки акциядорлик жамиятлари уставлари билан белгиланади.

Фуқаролик Кодексининг 53-моддасида юридик шахсларнинг тугатилиш асослари белгиланган.

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасданбекор қилинишига олиб келади.

Юқоридаги қоидадан келиб чиққан ҳолда Хўжалик жамияти қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

1. Хўжалик жамиятининг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан, юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик

шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида.

2. Хўжалик жамиятининг фаолияти рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун билан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек, Фуқаролик Кодексига назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ<sup>3</sup> тугатилади.

3. Фуқаролик Кодексининг 57-моддасида айтилганидек, тижоратчи бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у банкрот деб ҳисобланиши мумкин. Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Хўжалик жамиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик жамияти муассислари ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайдилар ҳамда Фуқаролик кодексига биноан тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдилар.

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин тугатиш комиссияси оралик тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

---

<sup>3</sup> «Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май, 1999 йил 20 август қонунлари таҳририда». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

Агар тугатилаётган хўжалик жамияти ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкини ким ошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади.

Тугатилаётган хўжалик жамияти шаклидаги юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан Фуқаролик кодекси 56-моддасида белгилаб қўйилган тартибда, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқлаган кундан бошлаб амалга оширилади. Бунга кўра, юридик шахс тугатилаётганда биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугагандан сўнг тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Тугатиш балансини юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Хўжалик жамиятининг кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Юридик шахснинг хўжалик жамиятлари каби турларини тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилгандан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган ҳолда хўжалик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли мақсадга мувофиқ бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида аграр тармоқда хўжалик субъектларига белгиланган шаклни танлаш учун имконият яратиб беради. Эндиликда эски «колхоз» - «коллективное хозяйство» ва «совхоз» - «советское хозяйство» деб юритилган қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг ҳуқуқий ҳолатларини янги қабул қилинган қонунчиликка асосланиб, шунингдек ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирди. Улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасида белгиланган қайта ташкил

этишнинг муассислар ёки ваколатли органнинг қарори билан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шакллари билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантиришни амалга оширишди.

Яъни:

- бир неча юридик шахсларни барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан биттасига қўшиб юбориш;

- бир ёки бир неча юридик шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан бошқаси томонидан қўшиб олиниши;

- юридик шахсни ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил жамиятга ўтказиш йўли билан бўлиш;

- юридик шахс таркибидан ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб (бундай ҳолатда ўзининг фаолиятини тўхтатмасдан), бир ёки бир нечта юридик шахсларни ажратиб чиқариш;

- юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан уни бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдан бошқасига ўзгартириш шакллари орқали амалга оширишлари мумкин.

Қайта ташкил этиш жараёнида бўлса, юридик шахснинг фаолияти тўхтатиб турилади (ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш бундан мустасно). Ажратиб чиқаришдан фарқ қилган ҳолда, барча ҳолатларда юридик шахснинг фаолияти тўхтатилса-да, унинг ҳуқуқ ва бурчлари тўхтатилмасдан, балки янги ташкил этилган юридик шахсга топшириш ҳужжатиغا мувофиқ ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади. Юридик шахс ажралиб чиққан тақдирда ҳам ҳуқуқий ворислик содир бўлади. Бунда ҳуқуқий ворисликнинг бир қисми тақсимлаш балансига кўра янги ташкил этилган (ажралиб чиққан) юридик шахсга ҳам, аввалги жойида қолган юридик шахсга ҳам ўтади. Шундай экан, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши жараёнида ҳар доим ҳуқуқий ворислик содир бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳуқуқий ворислик муносабатларини тартибга солувчи бир қатор меъёрлар мавжуд. Фуқаролик кодексининг 50-моддасида «юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик»нинг ўтиши ҳақидаги қоидалар кўрсатилган бўлса, 82-моддаси 1-қисмида эса «Фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин»лиги қайд қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки,

82-модданинг 1-қисми мазмунини қишлоқ хўжалигида қайта ташкил этиш жараёнида муҳим бўлган ерга оид муносабатларни тартибга солиш масалаларига ҳам жорий қилиш мумкин. Бундан ташқари ер муносабатларига оид қоидалар Фуқаролик кодексининг «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар» деб номланган II бўлимида ҳам ўз аксини топган.

Ҳозирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда юридик шахс фаолиятини бошқа шаклга ўзгартириш ва юридик шахсни бир қанча ташкилий-ҳуқуқий шаклда ажратиб чиқариш каби усуллариинг кенг қўлланилиши яхши самара беради. Агар маълум сабабларга кўра ўзининг олдинги хўжалик бошқариш шаклини сақлаб қолган хўжаликларда илгариги мол-мулк ва ерни пай ёки ҳиссага бўлиш амалга оширилмаган бўлса, улар ўзларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллариини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган қайта ташкил этиш шаклларииндан бирини танлаш орқали амалга оширишлари лозим. Корхона тасарруфида бўлган мол-мулкни бўлишдан мақсад хўжалик жамиятларининг устав фондига муассисларнинг ажратган улушларини аниқлаб олишдан иборатдир.

## Хулоса

Хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Корхоналар тўғрисида", "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан белгилаб кўйилган.

Республикамизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари янада такомиллашаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айниқса, халқ хўжалигининг асосий бўғинларидан бири бўлган хўжалик жамиятларининг мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун қонуний асослар яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир. Натижада бу турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимизда тутган ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланмоқда.

Юқорида фуқаролик ҳуқуқида юридик шахслар тушунчаси, вужудга келиш ва тугатиш асослари ҳамда турларини батафсил кўриб чиқдик. Албатта, юридик шахслар ҳозирги пайтда нафақат халқ хўжалигида, балки ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим бўғин бўлиб қолмоқда.

Мавзуни ўрганиш жараёнида хўжалик жамиятларининг юридик шахс сифатида жамият ва давлат ҳаётида қанчалик даражада аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинди.

Малака ишини тадқиқ этиш орқали қуйидагича фикр ва хулосаларга келинди:

- биринчи навбатда хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш керак. Бунинг учун жумладан:
- хўжалик жамиятларини тузиш тартиби тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капитали тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини бошқариш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритиш лозим.

Бундан ташқари, хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича таъсис шартномасини хорижий давлатларда бўлгани каби жамият давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устави билан бир хилда амалда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир;

- таъсис шартномаларининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимидаги ўрни ва моҳиятини белгилаш;

- таъсис шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини белгиловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш;

- таъсис шартномасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида шартнома сифатида киритиш;

- биз юқорида хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид масалаларни кўриб чиқдик.

Бизнингча тадбиркорлик субъектларини юридик шахсларни ва уларнинг бир тури бўлган хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларини соддалаштириш керак. Бу эса тадбиркорликнинг кенг қарор топишини тезлаштирувчи, уларнинг самарали фаолият юритишини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалардан амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг янада ривожланишида, шунингдек ҳуқуқий демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтишда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёрдам беради, деб ўйлайман.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997. Т.5.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. Т.6.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон. 2001. Т.9.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т., «Адолат». 1996.
8. Х.Р.Рахмонқулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ». 1997.
9. О.Эрназаров. К.Мансуров. Акциядорлик жамиятлари юридик шахс сифатида. «Қонун ҳимоясида», 2001.5-6 сон. 43-б.
10. В.Топилдиев. Акционерлик жамияти. «Ҳаёт ва қонун», 2003. 4-сон. 66-б.
11. Ж.Йўлдошев. Акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2003. 6-сон. 40-б.